

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“ Самарқанд ХУДУДИЙ  
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
Ш А Р Т Н О М А С И

№ 0192 2022-йил

Нартай Туман мектабида

Товшиш Бучиши

УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 05-нвбр 0192-сон Нуртай  
Т(Ш)ЭТК номи  
КНЗЭШ АСосида фаолият юритувчи  
САШЭТКАШ  
(туман(шахар) электр таъминоти корхонисининг номи)

Рахбари Е. А. МАМАТКУЛОВ (кейинги ўринларда  
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда КНЗЭШ асосида фаолият  
юритувчи Нуртай туман мактабдан ташқи бўлими  
(истеъмолчининг номи)

раҳбари Ш. Нурбўлоб (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тулаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 565000 кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий  
нархи 450 сўми, тариф буйича 254250000 ташкил этади.

тариф тури: *табақлаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)*

2.3. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ туланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобагга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва руйхатдан ўтказилади.

### III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар бир ставкали, табақлаштирилган, ўсиб боровчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари

уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладигана насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувч коэффициентни қўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчиға нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шахслантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун туловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган қувватидан кагъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматада мукофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун туловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 барабар ўсувч коэффициентга мувофиқ тулайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун туловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг 25 санасигача тақдим этади.

Бунда, туловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тулиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тулашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг авас тарикасида туланган ҳажми учун тулов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан орқик булмаган муддатда қўшимча тулов тулашдан озод этилади.

таста

ислиги

ҳисобот  
маниши

ҳисобот

вазиф

таъминот  
электр

ҳисобот  
билан

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган ким ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилганда "Таъминотчи корхона" томонидан даъво муддати доирасида курсаткичлардаги таффовут ёки ушимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. "Истеъмолчи"га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда таъминотчи корхонага муурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ уланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг яқинида ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

"Истеъмолчи" турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим қилинади.

"Таъминотчи корхона" томонидан махсус дастурий махсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар юрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг ператорига юборилади.

*(Асос. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Узаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-дўстири тўғрисида"ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланган электр тармоғининг мансублик баланси асосида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада юрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўйиб борилади. *(6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бромли истеъмолчилар тўлдирди).*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатиладиган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим қилинган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу умладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб даври учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун

Июль
Август
Сентябрь
Октябрь
Ноябрь
Декабрь

Реш  
ўрнатилган  
учун актив  
Хи  
қилинган ам  
Тар  
буйича:  
5%  
актив энсри  
10  
қилинган ам  
Реш  
ҳисобланма  
Реш  
Истеъмолчи  
томонидан  
иктисодий  
нормативли  
Бу  
исбатан  
қилинганли  
Тар  
соатларида  
тармоқдан  
Шартнома  
Чег  
15% миқдор

кайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари курсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб қўриши керак. "Истеъмолчи" томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида "Таъминотчи корхона"га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тadbиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги курсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб қилинади.

"Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимда юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, "Истеъмолчи"дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жамми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

"Истеъмолчи"нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи булган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига утказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тулиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун "Истеъмолчи"га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бундан пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

3.13. "Истеъмолчи" ва "Таъминотчи корхона" ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини қилинади.

3.14. "Истеъмолчи"ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари курсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касдан бузганда, курсаткичларини узгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси учирини вақтини кўрсатган

ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурilmаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги УРҚ 327-сон Қонунинг 28-моддасига асосан Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр қурilmаларини “Таъминотчи қорхона” электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ урнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ урнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи қорхона”га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, теги миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ булмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки буйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

#### 4.2. "Истеъмолчи" куйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куватни) учун ўз вақтида ҳақ тулаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари қорхонасига ёки электр таъминоти қорхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги туғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Ўзэнергоинспекциясининг"нинг ёзма курсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари қорхонаси вақилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини қуришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш шартларидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда "Таъминотчи қорхона"га буюртманом бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган "Истеъмолчи" "Таъминотчи қорхона"нинг талабига қўра куйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг қўп ва энг кам юкламали даврларда реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг қўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида курсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта қуриб чиқиш;

қорхона бўйича, шу жумладан қўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мулжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” куйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қўрилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи ҳўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳафсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” куйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи ҳўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергиясини билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергиясини тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўнайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи”да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## В. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари



бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қуйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ учирлишлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хошиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгил бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит буйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

## VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 21.01.2022 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш буйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг нусхалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб китоб қилиши шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш туғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**ИСТЕЪМОЛЧИ:**

Юридик манзили Навбай МТББ

Хисобраками 100022 8601821830 917000 25 1037

Банк коди (МФО) 00074 STIR (ИНН) 201722 914

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг хисобраками

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

Бюджетдан ташқари фонднинг хисобраками

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_

КҚС туловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_ e.mail: \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр раками \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

IFUT (ОКЭД) \_\_\_\_\_

DVIBT (СООГУ) \_\_\_\_\_

MHOBT (СОАТО) \_\_\_\_\_

(КФС) \_\_\_\_\_

TSHK (КОПФ) \_\_\_\_\_

**ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:**

Почта манзили Октомбр ш.в.х.д.и Ёу.хорий - 74

Хисобраками 275000 702 811 244 383

Банк коди (МФО) 00317 STPK (ИНН) 300613 530

КҚС туловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: 42-2-1259 Факс: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар: СНА

DVIBT (СООГУ) \_\_\_\_\_

MHOBT (СОАТО) \_\_\_\_\_

**Истеъмолчи:**

Навбай МТББ  
Ўзбекистон Республикаси  
Мазкур ш.в.х.д.и Ёу.хорий - 74

**Таъминотчи корхона:**

Навбай ТЭТ Корхонаси  
Ўзбекистон Республикаси  
Мазкур ш.в.х.д.и Ёу.хорий - 74

**ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ:**

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси \_\_\_\_\_  
юристкаонсулт А.А.А.А.А.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартнома \_\_\_\_\_ тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни халқ ораси тартиби белгиланган.

Юристкаонсулт: \_\_\_\_\_  
(имзоси)

Электр таъминотининг шартномасига  
I - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи IV
2. Фаолият тури ИТТ
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) II
- Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) \_\_\_\_\_
- Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Ил. жами	565000				
Январь	55000				
Февраль	65000				
Март	60000				
Апрель	45000				
Май	30000				
Июнь	30000			450	
Июль	30000				
Август	25000				
Сентябрь	25000				
Октябрь	35000				
Ноябрь	70000				
Декабрь	55000				

Ташкилот кунига фойдаланади 24 соат, ойга 3031 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I \_\_, II \_\_, III \_\_



Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами	Улчов трансформаторларнинг трансформация коэффициентини		Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги курсаткичлари ҳисоблагич курсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с
				Ток	Кучланиш		

Имзолар:

Истеъмолчи:  
  
 М.У. (Имзо) 

Таъминотчи қорғона:  
  
 М.У. (Имзо) 

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ; Хар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тўзилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами \_\_\_\_\_ ток трансформатори \_\_\_\_\_ кучланиш  
трансформатори \_\_\_\_\_ жами коэффициент \_\_\_\_\_ улганган қуввати \_\_\_\_\_ кВт  
Ҳисобга олиш прибори урнатилган манзил \_\_\_\_\_

шаҳар, қфй, лфй, кучи уй \_\_\_\_\_

1. Тариф гуруҳи IV Фаолият тури ЦТТ  
Труба шил чик, Шгажобок, Гшит, Пленка шил чик, Акфа цеси, Насос, Савон, Кафе., Омхона, Устахона ва...???

“Истеъмолчи”нинг балансда куйидаги электр қурилмалар мавжуд:  
а) ҳаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

б) кабель электр тармоғи \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

2. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” уртасидаги электр тармоқларининг баланс буйича мансублик чегараси бешиб устун сизиб устундан  
истеъмолчи томонидан истеъмолчи  
иқолис на рий ТЭК

3. Улардан куйидагиларга:  
а) Билиши тармақлари бешиб бора  
электр ускуналари

б) \_\_\_\_\_ хизмат курсатиш “Истеъмолчи” ходимлари томонидан,

“Истеъмолчи” билан тузилган “Техник хизмат курсатиш” № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й.  
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат курсатнади. “Техник хизмат курсатиш” шартномаси тузмага \_\_\_\_\_  
томонидан хизмат курсатилмайди.

Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат курсатиш бўйича жавобгарлик  
чегараси куйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_

Истеъмолчи \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) Ш. Норбушев

М.Ў. \_\_\_\_\_

Таъминотчи корхона \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) Ш. Норбушев

М.Ў. \_\_\_\_\_



**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача булган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА булган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_%, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_;  
Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_;  
Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналаригача булган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатидаги истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

Истеъмолчи:

Ш. Нодирова  
М.Ў. (Имзо)



Таъминотчи корхона:

Ҳуснат Ф. Ҳуснат  
М.Ў. (Имзо)



Электр таъминотининг шартномасига  
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи буйича  
ҲИСОБОТ

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи буйича

Курсаткичлар кайд этилган сана « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори курсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.Ар.с.	Табақалаштирилган тариф буйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрта-лабки тигиз вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун	
											соат 6-9	соат 9-17
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ:  $7_{устун} = 6_{устун} - 5_{устун}$ , табакалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами  $8_{устун} = 7_{устун} * 4_{устун}$ ,  
 $8_{устун} = 9_{устун} + 10_{устун} + 11_{устун} + 12_{устун} + 13_{устун}$

Истеъмолчи раҳбари

М.У.

Ф.И.Ш.имзоси

Таъминотчи корхона энергетиги

Ф.И.Ш.имзоси

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг урнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

*ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тулдириши шарт эмас.*





**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват тан юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан учирилади. Учирилиши яроқсиз ме ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳа ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ Утганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасига қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Учирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тухташига, иситиши тиз музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари даражасидан узилмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнглик қарши заҳира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария қирмайди (шунинг агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Таъминотчи корхона келиши билан ҳолда руйхатга киритилиши мумкин.)



Истеъмолчи:

Нуркулов  
(Исми)



Ишчилар:

Таъминотчи корхона:

Нуркулов  
(Исми)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihaming turi:

**Shartnoma**

2. Loyihaming nomi:

**Elektirenirgiyasini yetkazib to'g'risida**

3. Loyiha ishiab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Narpay tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va  
22.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va umi qabul  
qilish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**

**22.01.2022**



**M.D.Mardiyev**